

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Холиқов, М.Мелиқўзиева	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
И.Сиддиқов	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
И.Рахимов	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
Ф.Абдулбоқиев	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
М.Саидакбарова	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
Я.Нишанов	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
Г.Қосимова	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
Г.Орипова	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
Ш.Каримова	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
Э.Ибрагимова	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
Д.Рустамов	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
Г.Розиқова,	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
М.Алиева	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
М.Абдураҳманов	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари	208
Г.Исакова	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
С.Қурбонова	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
Н.Ахмаджонов	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
Х.Сотвалдиева	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
Р.Юлдашов	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
М.Рустамов	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
А.Тураханов	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Забардаст туркийшунос олим.....	234
Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....	237

УДК: 808.03+413.0

ТАРЖИМАДА МУҚОБИЛСИЗ ЛЕКСИКАНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ
НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ БЕЗЭКВИВАЛЕНТНОЙ ЛЕКСИКИ В ПЕРЕВОДЕ
SOME FEATURES OF CULTURE-SPECIFIC LEXICON IN TRANSLATION

М.Абдурахманов¹

¹ М.Абдурахманов

— Наманган давлат университети.

Аннотация

Мақолада муқобилсиз лексиканинг инглиз, рус тилларидан қилинган таржималардаги ўзига хос лингвистик хусусиятларининг амалий жиҳатлари ёритилган.

Аннотация

В статье рассматриваются практические особенности безэквивалентной лексики в переводах с английского и русского языков.

Annotation

In the article the specific linguistic feature of the Russian and English translation of culture-specific lexicon is practically clarified.

Таянч сўз ва иборалар: таржима, лексика, семантика, лингвистика.

Ключевые слова и выражения: перевод, лексика, семантика, лингвистика.

Keywords and expressions: translation, lexicon, semantics, linguistics.

Ҳозирги замонда инсон жамиятини ижтимоий иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзаро муносабатларисиз тасаввур қилиш қийин ва тегишли равишда бундай тасвирда инсон тили ролини эътиборга олмаслик ҳам мантиқсиздир. Албатта, шундай ўзаро муносабатлар жараёнида тилнинг ахборотни бериш, сақлаш ва қабул қилиш воситаси сифатидаги функцияси каттадир ва маълум режада тил бундай алоқаларнинг асосий кўприги бўлиб иштирок этади. Бошқа тилдан хабарларни трансформация қилиш воситаси сифатида бирор марта хизмат қилмаган тилни тасаввур қилиш қийиндир, чунки бунинг натижасида тиллар бир-бирига таъсир кўрсата олмасди ва бир-бирини бойита олмасди. Бундан келиб чиқиб шу хулосага келиш мумкинки, эртами-кечми яққаланиб қолишга ва аста-секин йўқолиб кетишга муқаррар монолит (яхлит) тиллар бўлмайди ва ҳар бир тилда ўзга тилнинг таъсирини кузатиш мумкин.

Бу ерда шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, лингвистик фаннинг замонавий босқичида таржима жиҳати, тиллар типологик хусусиятлари туташган жойида, муҳим илмий йўналиш ҳисобланади ва таққосланаётган тиллар тизимида алломорф ва изоморф хусусиятларини аниқлаш

мақсадида лексик ва грамматик бирликларни талқин ва таҳлил қилишга бўлган катта қизиқиш билан ажралиб туради. Шуларга кўра, таржимада аслият тилида бўлган муқобилсиз лексиканинг таржима тилида бошқа воситалар билан бериш, хусусан, тавсифлаш каби тамойиллардан фойдаланиш ҳолатлари ўрганилган. Бунда аслиятдаги муқобилсиз лексиканинг референциал маъносини таржимада акс эттириш асосий мақсад қилинади. Таржима қила олиш ва таржима қила олмаслик масалалари таҳлил ва тил материалининг маълум томонларини аниқлайди ва уларга матннинг ўзига хослиги ва таржима қилинаётган матннинг эквивалентлиги киритилади. Таржимада эквивалентлик нафақат матннинг семантикасини, балки мазкур тил материалининг прагматик хусусиятларини ҳам ҳисобга олади. Таржимада эквивалентликни таржима ва асл нусханинг таркибли маъноли ва коннотатив воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат, деб тушуниш лозим.

Шу сабаб таржима қила олиш ва таржима қила олмаслик масалалари таржима назариясининг кенгроқ доирасини қамраб олади. Муқобиллик ва муқобилсизлик муаммолари таржима қила

олиш ва таржима қила олмаслик каби масаланинг жуда муҳим томонини тақдим этади. Баъзан таржимадаги сўз таржима қилинаётган тилда ўзининг эквивалентига эга, лекин гоҳида таржимон шу сўзни ўзининг асл нухасидаги вариантыда қолдиришни афзал кўради.

Ҳар қандай тил белгиси, демак, сўз ҳам ўзида уч хил маънони олиб юради: референциал (денотатив), амалий ва айрим олинган тил. Тилнинг ички лисоний ҳолатигагина хос бўлган муқобилсиз лексикалар кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлиши алоҳида белги-хусусиятларга эга. Шу билан бирга, муқобилсиз лексик бирликларнинг референциал ва амалий маънога эга эканлиги таржима жараёнларида ундан-да муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, таржималарда амалий хусусиятлар референциалликка нисбатан ўзига кўпроқ лексик-семантик юк олади.

Жуда кўп илмий эътирофларга кўра, муқобилсиз лексиканинг амалий хусусиятининг аслият ва таржима тилида ўзаро мос келмай қолган ўринлар учрайди. Шунинг билан биргаликда анъанавий тарзда олганда ҳам реалиялар ва семантик лакуналар, баъзан кенг семантик маънога эга бўлган сўзларни таржима жараёнида муқобилсизлик билан боғламайдилар. Буни улар аслиятдаги муқобилсиз лексиканинг таржима тилида айнан муқобили йўқлиги билан асослашга ҳаракат қиладилар. Иккинчи томондан бундай сўзлар таржимасидаги муаммоларни компенсация қилишга ортиқча эътибор бериш билан изоҳлайдилар. Аммо уларнинг амалий маънолари аслият тилидаги муқобилсиз лексика учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолишини эътироф этиш лозим.

Маълумки, муқобилсизликнинг икки хил кўриниши мавжуд:

1. Таржимада аслият тилидаги муқобилсиз сўзнинг барча релевант хусусиятларини акс эттириш.

2. Таржимада аслият тилидаги муқобилсиз лексиканинг бир қисмини ёки жиҳатини акс эттириш.

Дарҳақиқат, гап аслиятда акс этган предметнинг реал ҳолати, амалий ёки ашёвий хусусиятига бориб тақалади. Айнан ана шу жиҳат амалий муқобилсиз лексика тўғрисида батафсилроқ, мукамалроқ фикр юритишга олиб келади.

Ҳар бир тил лексикаси бошқа тиллар билан солиштирилганда, ўзининг

референциал жиҳати ўхшаш ҳамда услубий англатадиган маъноси фарқланадиган, эмоционал бўёқлари билан ажралувчи сўзлар мавжудлиги табиий. Жумладан, рус тилида АҚШ ва Буюк Британия пул бирликлари номлари айнан айтилади. Инглиз тилидаги *buck (sawbuck) clacker, clam* сўзлари русчада фақат *доллар* сўзи билан ифодаланади. *Инглизларда ёки АҚШда Ruskies – руслар, Limiys – инглизлар, Dagos – роман тилида гаплашувчи халқлар (француз, испан ва италянлар), Frog eaters – қурбақахўрлар* каби муқобилсиз лексикалар қўлланади. Булар бир сўз билан айтганда, ўзининг географик чегараси билан ажралиб турадиган сўзлар жумласига киради. Шу боис ҳам улар амалий муқобилсиз лексика термини билан номлангандир. Демак, муқобилсиз лексиканинг яна бир хусусияти шундаки, у бевосита ҳудудий келиб чиқиш хусусияти билан ажралиб турадиган сўзлардан инглиз тилидаги *guess* (американизм) сўзини рус тилига – *быть уверенным, считать* тарзида, ўзбек тилига эса *имони комил бўлмоқ, ҳисобламоқ* сўзлари билан ўгирилади. Аммо ушбу сўзнинг айнан американизм эканлигини уларнинг таржималаридан билиб олиш қийин. Бир сўз билан айтганда, инглиз тилида амалий маъно англатувчи сўзлар рус ва ўзбек тилларига нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Масалан, рус тилидаги бабушка сўзини оладиган бўлсак, унинг референциал, яъни маъно жиҳатдан бошқа сўз билан айтиладиган вариантлари кўп: бабуля, бабуся, бабулька, бабка, бабуленька кабиларни келтириш мумкин. Аммо инглиз тилида бунинг имкониятлари озроқ: *grandmother, grandma, granny*.

Лингвистик адабиётларда инглиз тилида муқобилсиз лексиканинг бир неча турлари мавжудлиги таъкидланади. Улар қуйидагилар:

- чет тилдан ўзлашган сўзлар;
- қисқартма (аббревиатуралар);
- субъектив баҳоланадиган

суффиксли сўзлар;

- тақлид сўзлар.

Муқобилсиз сўзлар – адабий тил меъёрларидан чекинишни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари таржималарда амалий жиҳатдан жуда катта қисми ташкил қилади. Уларга – ҳудудий ва махсус диалектизмлар, локализмлар, жаргонизмлар, вульгаризмлар, сленгизмлар, табу қилинган лексика,

архаизмлар, поэтизмлар, яъни таржима тилида муқобили бўлмаган бошқа тил меъёрларидан четга чиққан лексик қатлам киради. Масалан, биз рус тилида қуйидаги инглиз тилидаги сўзлар муқобилларини топа олмаймиз: *Big Apple* – *большой город* (*любой, но чаще всего Нью-Йорк*), *pixu* – *нет, горе* – *сигара*, *tormentor* – *первая кулиса* (*театр жаргони*). С.Влахов ва С.Флоринлар ўзларининг “Непереводимое в переводе” китобларида ана шундай сўзларни – *адабий тил меъёрларидан чекиниш*, деб номлайдилар. Аммо, бизнингча, А.В.Федоровнинг “*умумий тил меъёрларидан чекиниш*” деб аталувчи термини кўпроқ маъқул келади. Чунки матн прагматикасини қайта яратиш нуқтаи назаридан қараганда нафақат услубий ўзига хослик таржимасида услубни сусайтириш томон эмас, балки матн поэтикасини қайта яратиш учун уни кучайтириш томон борилади ва бунда бутун бошли матн назарда тутилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, адабий меъёрларга нисбатан умумлисоний меъёрлар кенгроқ доирани қамраб олиши назарда тутилади. Бунда поэтизмлар, архаизмлар муҳим аҳамият касб этади. Умумлисоний тил меъёрларидан чекинишга рус тилидаги – *книженция*, *спиноза* (*спина*), *свинтус* кабиларни мисол келтириш мумкин. Инглиз тилида эса, *florņik* – неудачно запущенный спутник (хато учириб юборилган йўлдош) сўзи инглиз тилидаги *flor* – шалоб этиб тушмоқ феълидан олинган. Шунингдек, инглиз

тилидаги *buttinsky* - ҳар нарсага аралашаверадиган киши *to butt in* – бошқалар ишига бурнини суқмоқ феълидан олинган. Бундай хил тил меъёрларидан чиқишни ифодаловчи сўзлар асосан бирор-бир юмористик мақсадни кўрсатиш учун ҳам услубий восита сифатида қўлланади. Уларни изоҳли ёки таржима луғатларидан топиш амри маҳол. Бундан ташқари, шу соҳага оид лексикага – жаргонизмлар, арготизмлар, сленгизмлар ва табу сўзларни ҳам киритиш мумкин. Улар умумий тил меъёрларидан чиқиб, тил услубини пасайтириш, агар поэтик мақсадларда фойдаланилса, услубий ранг-барангликни таъминлашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, улар субстандарт лексика жумласига ҳам киради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таржималарда аслиятдан муқобили бўлмаган сўзларнинг бошқа воситалар орқали ифодалаш, уларнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини филологона билиш ва тавсифлай олиш, муқобилсиз лексика тамойилларидан фойдаланиш масалаларини ўрганиш бугунги тилшунослигимиз олдида турган долзарб масалалардан бирига айланмоғи лозим. Зеро, бугунги маданиятлараро ва тиллараро интеграциялашув жараёнларида бундай жараёнларнинг ижтимоий-маданий, илмий-маърифий аҳамияти катта, боиси таржималарда этнолингвистик жараёнларнинг аксарияти муқобилсиз лексик қатламларда намоён бўлади.

Адабиётлар:

1. Влахов, С., Флорин, С. Неperеводимое в переводе / С.Влахов, С.Флорин. – М.: Высшая школа, 1986.
2. Иванов, А.О. Безэквивалентная лексика / А.О. Иванов. Издательство Санкт-Петербургского университета, 2006.
3. Шатков, Г.В. Перевод русской безэквивалентной лексики на норвежский язык: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – М., 1952.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).